

"...Эркин Аъзамнинг адабиётдаги ўзига хос бренди: илк сатриданок танийсиз! Танийсизу муталаага шўнғийсиз! Сархушлантирадиган ичимликдан тотина бошлагандай, ўтирган жойингизда беихтиёр бир кўзғалиб оласиз-да, бош кўтармай ўқийверасиз: аввал маҳлиё, бора-бора мубтало бўлиб қолганингизни ўзингиз сезмайсиз..."



(6-саҳифада ўқинг.)

“ВАТАН ОБОДЛИГИ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!”

Марказий сайлов комиссияси котиби, юридик фанлари доктори, профессор Худоёр МАМАТОВ билан суҳбат



– Худоёр ака, мана 2019 йилда халқ томонидан сайланган вакиллик органлари депутатларининг ваколат муддати охирлаб, навбатдаги сайлов жараёнларига старт берилди ва Марказий сайлов комиссияси фаолияти ҳам ўз-ўзидан қизгин тус олди. Жараёнларнинг илк даври қандай кечмоқда?

– Аввало, мамлакатда сиёсий жараёнларнинг қизгинлашуви Марказий сайлов комиссияси олдига ўта масъулиятли вазифани қўяди. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг талабларига кўра, амалдаги депутатларнинг депутатлик муддати туғаш арафасида янги сайлов кампанияси бошланганини эълон қилиш Марказий сайлов комиссиясининг зиммасига юклатилган бўлиб, у сайловдан камида 90 кун олдин комиссия томонидан эълон қилиниши керак. Конституциямизнинг 128-моддасига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатларининг сайлови уларнинг ваколат муддати туғайдиган йилнинг октябрь ойи учинчи ўн кунлиги биринчи яқшанбасида ўтказилади. Шундан келиб чиқиб, МСКда йиғилиш ўтказилди ва ваколатимиз доирасида

шу йилнинг 27 октябрь кунини мамлакатимиз парламенти ҳамда маҳаллий кенгашлар сайловлари кунини деб белгилаб, сайлов кампанияси 26 июлдан бошланганини расман эълон қилдик.

– Анъанавий ва ўз навбатида энг муҳим саволимиз: бу йилги сайловнинг аввалгиларидан фарқи нимада? Сайлов қонунчилигига ўзгаришлар киритилишига сабаб бўлувчи омиллар ҳақида айтиб ўтсангиз.

– Сайлов қонунчилигида, албатта, ўзгаришлар бўлиб туради. Бунда, биринчидан, ривожланган давлатларнинг тажрибалари инобатга олинади. Бундан ташқари ўтган сайловларда эришилган ютуқ ва камчиликлар ўрганилиб, парламентдаги энг фаол субъект сифатида сиёсий партияларнинг сайловчи олдига масъулиятини орттириш, унинг жа-

миятдаги ўрнини ошириш кўзда тутилди. Дунёнинг ривожланган демократик давлатларида синондан муваффақиятли ўтган, сайловчиларнинг хоши-иро-даси, талабларини тўлиқ қаноатлантириши мумкин бўлган, қолаверса, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг энг яхши усулларидан андоза олинади. Бу йилги сайлов ўзгаришларга бой бўлмоқда. Жумладан, жорий йил мамлакатимизда бўладиган сайловлар Ўзбекистон тарихида илк бор Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси сайловлари аралаш сайлов тизими асосида ўтказилди. Бу эса ўз навбатида сайловнинг мутлақо янги ижтимоий-сиёсий муҳитда ўтишидан дарак беради.

(Давоми 3-саҳифада)

ТАМАДДУН



ИСЛОМИЙ МОЛИЯ:

Муҳолиф эмас, муқобил тизим

Кейинги вақтларда исломий молия, ислом банки каби атамалар оммавий ахборот воситалари, илмий, сиёсий доиралар ва умуман, кундалик лексиконимизда тез-тез қўллана бошлади. Халқаро таҳлилларга қараганда, ушбу янги институтнинг анъанавий молия тизимидаги ўрни ва улуши тобора ошиб бормоқда. Хўш, исломий молия тизимининг моҳияти, фалсафаси ва ҳикмати нимада? У мурасасиз рақобатчи сифатида анъанавий тизимни сиқиб чиқарадими ёки икки модель бир-бирини тўлдирган ҳолда замондошларимизга танлов имкониятини тақдим этадими? Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ислом иқтисодиёти ва молияси, зйрат туризми кафедраси профессори, академик Нурислому ТУҲЛИЕВ билан шу каби саволлар теграсида суҳбатлашдик.

– Нурислому ака, иқтисодчи олим сифатида бизга даставвал исломий банк-молия тизимининг ишлаш принциплари ва ўзақ хусусиятлари ҳақида маълумот берсангиз.

– Суҳбат учун ҳам долзарб, ҳам ҳали чуқур тадқиқ этилмаган мавзу танлангани айни муддао бўлибди. Исломий банк-молия модели ҳақида бизда билим ва кўникмалар тўлиқ шаклланган эмас. Атиги бир неча китоб чоп этилган ва санокли диссертация ҳимоя қилинган ҳолос. Бу борада қонунчилик базамиз ҳам заиф. Тизимнинг мазмун-моҳияти теран англаб этилмагани сабаб бўлса керак, уни замонавий банк-молия моделига қарама-қарши қўйиш ҳоллари учраётди. Аслида ҳар икки тизимнинг мақсади муштарак. Истеъмол эҳтиёжининг тўйингани ёки бозорда мақбул товар ва хизматлар мавжуд эмаслиги сабаб жамиятнинг айрим аъзоларида ортиқча пул пайдо бўлади. Иккинчи томондан эса бошқаларда истифода этилмай турган маблағларни олиб ишлатишга эҳтиёж туғилади. Шу тариқа вақтинча

ишлатилмаётган пулдан қандай усул ва шаклда фойдаланиш масаласи кун тартибига чиқади.

Сўнги вақтларда жаҳон банк-молия тизимининг муҳим бўғини сифатида ислом банк-молия моделининг ялпи ҳажми 758 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 3,37 триллион долларга етди.

Ислом банк-молия модели ислом иқтисодиётининг таркибий қисми бўлиб, молия муассасалари ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Тизимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у шариат аҳқомларига асосланади. Шариат эса мусулмонларнинг ўзаро робиталарида маънавий-ахлоқий қадриятларга устуворлик беради. Мазкур модель тижорий фаолиятда юзага келиши мумкин бўлган таваққулчиликни томонлар ўртасида мутаносиб равишда тақсимлашни ҳам назарда тутлади.

(Давоми 2-саҳифада)

ИФТИХОР



ФАХРИЯ

Ўғлонлари шер бўлиб майдонга чиққан халқим, Қизи атиргул бўлиб майдонга чиққан халқим. Олимп беллашувида “Ўзбек” деган гурурни Томчи-томчи тер билан, шон билан йиққан халқим.

Баҳодир, Ҳасанбойим, Лазизжон, Абдумалик, Муроджон, Музаффаржон қорақўз, бугдойрангим. Бари шерлар юртидан, Полвон Пирлар юртидан, Эй, номлари жарангим, эл шаънидир ҳар жангим.

Диёра Келдиёрова келди курашга, дебон, Париж ўйлаиб қолди, осмоннинг юлдузи – у. “Биз қизларга ишонч учун раҳмат!”, деди Диёра, Юртбошимдан табрик олган, Юртбошимнинг қизи – у.

Ҳар бир марднинг ортида мард оталар, оналар, Меҳри Зарафшондаги зарлардек оққан халқим. Давлат, Руслан, Шукржон, Сафина, Гулнозаҳон, Дарёдек қалққан халқим, денгиздек балққан халқим.

Ватан учун, ор учун дунёни илиб отган, Палаги тозаларим, гулдан андозаларим, Ўзбекистон байроғин ўпиб юксалганларим, Беклар, хонзодаларим, нурдек овоздаларим.

Қалтис пайтда қирғизга “Мунарбек, сен зўр!” деган, “Менга суян, тур!” деган Акмал Ҳасаним менинг. Қардошларин кўллаган, дуоларин йўллаган, Меҳрига чегара йўқ манзил, маҳзаним менинг.

Ўзбекча овозага тебранди гўзал Париж, Эйфель минорасига ҳайратлар таққан халқим. “Темурийлар келди”, деб, “Бобурийлар келди”, деб, Баралла балққан халқим, Аллоҳга ёққан халқим.

Четдан спортчи олмадик, бари ўзимизники, Биз бирлашдик “Ватан”, деб оёққа қалққан халқим. Бутун дунё ҳавасда бизнинг бирлигимизга, Олимпия осмонида куёшдек балққан халқим!

Зулфия МҮМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

“Янги Ўзбекистон” сўзлари содда, аммо ўзида олам-олам маъно мужассам этганини кўраман, кўнглимда ифтихор ҳиссини туяман, фахрланаман, гўёки янгидан кашф этгандай бўламан. “Мустақиллик”, “ўзбек”, “халқ”, “тарих”, “зафарлар”... Нечогли кўнгилга руҳ бергувчи, қанотлантиргувчи пурмаъно сўзлар! Уларнинг ҳар бири ҳақида бир китоб ёзиш мумкин, десак муболага эмас. Бундай китоблар ёзилаётир ҳам.

ТАРИХИМИЗНИ ТЕРАН БИЛАЙЛИК

Жафокаш юртимиз кўп босқинчиларни кўрди, ҳар бири келиб, юрт эгаси бўлган халқдан сўрамай-нетмай, ўзича унга янги номлар қўйди, чунончи, Трансоксания, Мовароуннаҳр, Чигатой улуси, дегандек... Миллий қадриятлар, маданияту маънавият поймол этилди, тарих топталди, тарихий ҳақиқатлар хаспўшланди...

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, мана ўттиз уч йилдирки, қадим Турон,

Ўзбекистон юртида мустақиллик шабадаси эсмоқда, Янги Ўзбекистон муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қаддини баланд кўтариб, жаҳонга чиқиб бормоқда, дунё ҳамжамиятидаги ўз ўрнини мустаҳкам эгалламоқда. Бошқача айтганда, бугун ўзбек ўзбек бўлиб жаҳонга буй кўрсатмоқда, оламга кенг назар ташламоқда.

Мустақиллигимиз бизга ўзлигимизни қайтариб берди, тарихий ҳақиқат қарор

топди, миллий қадриятлар тикланди. Бу култур жараён давом этмоқда.

“Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ” – бу ҳақиқат. Инчунин, тарихимизни чуқур ўқиб-ўрганмоғимиз, кечаги кунни эсдан чиқармаслигимиз, ҳур ҳаётнинг қадрига етишимиз, уни асраб-авайлашимиз лозим.

(Давоми 4-5-саҳифаларда)

